*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 5 декабрь, жума.
Сотувда эркин нархда. № 246 (1763)

**КОНСТИТУЦИЯНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА**

# МИЛЛАТНИНГ МУБОРАК ҚЎЛЛАНМАСИ

**Давлатчилигимизнинг асосий белгиларидан бири бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганига беш йил тўлди. Бу муҳим ҳужжат беш йил бурун ҳар томонлама пухта ва мукаммал ишлаб чиқилгани боис ҳам Ватанимиз порлоқ келажак сари дадил одимлаётир. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ана шу миллий байрам муносабати билан ЎзА мухбирларига Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Умур АПАЙДИН ҳамда Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шаҳриёр РАШЕД қуйидагиларни сўзлаб бердилар:**

**Умур АПАЙДИН**
**Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси**

— Аввало, Ўзбекистон халқини бу муборак байрам билан қизғин қутлайман. Мамлакатингизда иш бошлаганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлишига қарамай, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар катта самара бераётганининг гувоҳи бўлиб турибман. Бу йўлда мамлакатингизнинг жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган Конституцияси мавжудлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсат саҳнасига дадил чиқиб бормоқда, мамлакатингизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида катта ишлар амалга оширилаётир. Буларнинг дастлабки самараларига ҳаммамиз бирдек гувоҳмиз.

Ўзбекистоннинг асосий қонуни — Конституцияси ҳақида жуда кўп илиқ гапларни айтиш мумкин. Лекин, мен мухтасар қилиб шундай демоқчиман: Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини ифодаловчи мазкур ҳужжат келажакда бу муқаддас заминда буюк давлат барпо этиш йўлидаги лигини ҳам кўрсатади. ни англайди.

Ўзбекистон Конституциясининг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, у бугунги ҳаётдаги янги қонун-қоидаларни ҳам тўлалигича ўзида мужассамлаштира олган. Шу маънода бу ҳуқуқий ҳужжат жаҳон конституциявий амалиётига тўлалигича мос келади. Маълумки, Конституция қабул қилишдан асосий мақсад ҳукумат ва жамиятдаги турли институтлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир. Бунинг учун эса ҳар бир мамлакат ўзининг мукаммал ишлаб чиқилган асосий қонунига ўзининг ижобий натижаларини беради. Ўзбекистонда эса демократик ҳуқуқий давлат барпо қилиш учун аллақачон мустаҳкам пойдевор қўйилган. Республика Президенти Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли, ҳаётда юқоридаги фикрларнинг инъикосини кўрамиз. Шу боис, бошқа хорижлик дўстларим қатори, мен ҳам Ўзбекистонда ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Негаки, мамлакатда эркинлик, барқарор ва осойишта ҳаёт қонун билан таъминлаб қўйилган.

Покистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари азалдан мавжуд. Икки халқнинг урф-одатлари, миллий қадриятларида ўхшаш жиҳатлар анчагина. Бу юрт тупроғида туғилиб вояга етган буюк алломалар, давлат арбоблари, саркардалар бизнинг юртимизда ҳам ардоқли. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги



Туркия халқи Ўзбекистоннинг ҳар бир ютуғидан қувонади. Зеро, бизлар азалдан тили, дини ва урф-одатлари бир бўлган қардош халқлармиз. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари ичида Ўзбекистоннинг барча қийинчиликларни ортда қолдириб, собитқадам билан олға интилаётганини, бу ерда хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий соҳада бўлсин, барча ўзгаришлар мустақиллик ғоялари билан янада мустаҳкамланиб бораётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қисқа вақт ичида ўзининг мукаммал Конституциясини ярата олди. Бу ўзбек халқи тарихан давлатчилик асосларининг ўзига хос жиҳатларига эга эканюксак вазифаларни адо этишда ўзбек миллатининг муборак қўлланмасидир.

**Шаҳриёр РАШЕД,**
**Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.**

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳондаги замонавий ва мукаммал бўлган Конституциялардан биридир. Уни билан танишган киши, биринчи навбатда, унинг ёзилишида жаҳоннинг кўпгина ривожланган асосий қонунлари тажрибаси ҳисобга олинганини сезади. Шу билан бирга, ўқувчи Конституцияда ўзбек халқининг миллий анъаналари билан умуминсоний қадриятлари уйғунлашганиэга бўлиши лозим. Демак, ўзбек халқи ўзининг Конституциясидан фахрланса арзийди. Бунга етарли даражада асос бор.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатмоқдаман. Эътиборимни айниқса, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар кўпроқ ўзига тортади. Албатта, демократик ҳуқуқий давлат барпо қилиш учун биринчи навбатда ҳуқуқий асослар, яна ҳам тўғрироғи Асосий қонун — Конституция мукаммал бўлмоғи зарур. Мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг давомийлиги ҳам бу жараённинг амалга оширилишида алоқалар янги замон руҳида, тенглик ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳолда ривож топмоқда. Давлатларимиз ўртасида шу кунгача иқтисодий, маданий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик бўйича қирқдан ортиқ муҳим қўшма ҳужжатлар имзоланган. Бир неча бор давлат раҳбарларининг ташрифлари амалга оширилди. Сўзим сўнгида бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам — Конституция куни билан самимий қутлайман.

**Аброр ҚИЛИЧЕВ ҳамда Равшан МАҲМУДОВ ёзиб олишди.**
**(ЎзА)**

**Т. КАРИМОВ олган сурат.**

*БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН*

## ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Маълумки, Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси кун тартибига қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қанча қонун лойиҳалари киритилган. Айни пайтда улар устида қандай ишлар олиб борилмоқда? Мухбиримиз Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби Пўлат ШАРОПОВга ана шундай савол билан мурожаат қилди.**

— Ана шу қонун лойиҳалари юзасидан иш олиб бориш учун айни пайтда қўмитамиз қошида учта ишчи гуруҳи фаолият кўрсатаяпти. Биринчи ишчи гуруҳи «Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси» лойиҳасини тайёрлаш билан банд. Иккинчи ишчи гуруҳи эса «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг санацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида иш олиб бораяпти.

Маълумки сессия кун тартибидан «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш масаласи ҳам ўрин олган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик соҳасига доир яна бир қанча қонунларга қўшимча ва ўзгартиш киритиш кўзда тутилган. Учинчи ишчи гуруҳи зиммасига асосан ана шу масалалар юклатилган. Бу ишчи гуруҳлари қонун лойиҳаларига доир таклиф ва мулоҳазаларни обдон ўрганиб, лойиҳаларни янада пишиқтириш устида иш олиб боряпти.

**И. ХУДОЁРОВ.**

## МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Бухорода Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори комплексининг сайёр мажлиси бўлди. Унда истеъмол бозори мажмуасига кирувчи вазирликлар, республика уюшмалари, бирлашмалар, компаниялар раҳбарлари, Бухоро вилояти шаҳар ва туман ҳокимлари, савдо-саноат корхоналари, банк, солиқ, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов бошқарди. 1997 йил давомида вилоятда истеъмол бозорини тўлдириш, пул эмиссиясини камайтириш, касса режаларини бажаришда муайян ишлар қилингани айтиб ўтилди. Лекин шу билан бир қаторда аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашда камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди. Йилни муваффақиятли якунлаш ва аҳолини узлуксиз равишда истеъмол моллари билан таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди 8 декабрь — Конституция куни муносабати билан Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида “Жамиятимизни демократиялашнинг ҳуқуқий кафолати” мавзуида илмий-амалий конференциялар ўтказди. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилган мазкур анжуманлар Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Паркент ва Ўртачирчиқ туманларида бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис депутатлари, корхона ва муассасалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Демократик ва ҳуқуқий жамият сари дадил одимлаётган мамлакатимизда Конституция — ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаро тинчлиги ва хавфсизлигини, миллатлараро тотувликни таъминловчи асосий омил. Анжуманларда сўзга чиққан Ўзбекистон Конституциявий Суди раиси Б. Эшонов, Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А. Жалолов, вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаева ва бошқалар Асосий Қонунда белгиланган меъёрлар одамлар онгига чуқур сингиб, халқ томонидан тўла эътироф этилаётганини таъкидладилар.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Республика Марказий Банкида Жаҳон Банкининг Иқтисодий Ривожланиш институти билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда молия тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” мавзуида уч кунлик халқаро семинар бошланди. Унда бир қатор хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро банк-молия ташкилотларининг йирик мутахассислари ва мамлакатимиздаги шу соҳага тааллуқли олий ўқув юртлари, молия ва банк раҳбарлари, мутахассислар иштирок этмоқда.

Уни Республика Марказий Банкининг Раиси Ф.Муллажонов очди. Семинар қатнашчилари молия тизимини ислоҳ қилиш ва банк тизимини қайта ташкил этиш, ўтиш даврида молия бозорларининг аҳамияти, банк назорати, банкларда бухгалтерлик ҳисобини ислоҳ қилиш муаммоларини таҳлил этадилар, бу борада дунё банки ва молия тизимида тўпланган тажриба билан танишадилар. Иқтисодий ислоҳотлар ривожида банк-молия тизимини ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари юзасидан фикр алмашадилар.

**(ЎзА)**

**АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ**

**ПАЙШАНБА ХАБАРЛАРИ**

**ҚОЙИЛ !**

### СИФАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

*“Қўқон ёғ-мой” ҳиссадорлик жамияти мулкчиликнинг янги шаклида иш юрита бошлаганидан буён асосий эътиборни маҳсулот сифати ва ҳажмини оширишга қаратмоқда, — дея хабар беради ЎзА мухбири Р. КАМОЛОВ. Шу мақсадда корхонанинг ёғни комплекс қайта ишлаш цехида қуввати юқори бўлган янги мой тозалаш линияси ишга туширилди. Мазкур дастгоҳлар аввалгисига нисбатан беш карра ортиқ қувват билан ишлайди. Шунингдек цехда янги экстракция қилиш дастгоҳларидан ҳам фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган бу янги технология ёғ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга маҳсулот сифатини яхшилаш, хомашё нобудгарчилигига барҳам бериш имконини яратмоқда.*

**СЕВИНЧ**

### СИЗНИ КЎРАЯПМАН, ДОКТОР!

*Олтмиш етти ёшли отахон бу гапни қувониб-қувониб айтди.*

*Ўз бемори Солай Бекжоновнинг шодлигини ҳис этган Республика кўз касалликлари шифохонасининг бўлим мудири Умида Олимова ҳам хурсандчилигини яшира олмади.*

*— Шукур. Бугун ҳам халқимга ёрдамим тегди.*

О. ОЛЛОБЕРГАНОВ.

**МИШ-МИШ**

### ИЛГАРИЯМ УЧРАШГАН ЭМИШ...

*Бирдан қаттиқ шамол бўлиб, чақмоқ чақди. Чироқлар ўчди. Томнинг усти ерга қулади. Электр симёғочлар йиқилиб, тарелканинг остида қолди. Сўнг мени кимдир чақиргандай бўлди. Йиртиқ калишимни кийиб, улар томон юрдим. Бўйи 2-2,5 метр келадиган ажабсифат одамлар овоз чиқарди. «Қўрқма. Яқинроқ кел...»*

*Хуллас ўзга сайёраликлар билан учрашдим.*

*Сирдарё тумани, Ҳақиқат жамоа хўжалигида яшовчи Муҳаммадбашир Улуғмуротовнинг бу хати бир пайтлар дув-дув бўлган гапларни эслатди. Қайтиб кетган ўзга сайёраликларда бизникида нима бор экан-а?*

**АЖАБО !**

### ҚЎНОҚ ОЛИШНИНГ ЙЎЛИ

*Қишлоғимизда тўй ўтадиган куни меҳмонларга қўноқ берилади. Лекин улардан ам илгари доимий «меҳмонлар» бор. Уларга қўноқ етмаса иш расво бўлади.*

*Гапнинг лўндасини айтсам электрчиларимиз тўй эгаларидан фойдаланишнинг ғалати йўлини топишган. Агар уларга бир дона арoқ, бир кило гўшт ва майда-чуйда бормаса айни тўй қизиган чоғ электр ўчирилади. Ҳақини олгач яна чироқ ёниб турибди, денг.*

*Илтимос. Менинг бу арзимни газетнинг кичкина ҳарфида берсанглар. Тағин бу усталик оммалашиб кетмасин.*

У. ЖЎРАЕВ,
Шаҳрисабз тумани «Ҳисор» жамоа хўжалиги.



**ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:**

### ХАЛҚАРО АВТОМОТОПОЙГА

*Ўзбекистон Конституциясининг беш йиллигига бағишлаб Жиззахдаги анъанавий «Наврўзбулоқ» трассасида халқаро автомотопойга ўтказиладиган бўлди. Вилоят ҳокими қарорига биноан ташкил этилган ушбу беллашувда 6-7 декабрь кунлари Қозоғистон, Тожикистон ва республикамиз вилоятларидан келган энг кучли пойгачилар куч синашадилар.*

**Соат милларини Қурбонали ЭШМАТОВ кузатди.**

## КИТОБХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасида ҳуқуқшунос олимларнинг китобхонлар билан учрашуви бўлиб ўтди. У давлатимизнинг Асосий Қонуни - мамлакат Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланди.

Учрашувда Ўзбекистон Конституцияси сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик муҳим ҳужжат, халқ тафаккури маҳсули эканлиги, унинг мазмуни ва моҳияти хусусида батафсил сўз юритилди. Тадбир қатнашчилари кутубхонада ташкил этилган “Конституциямиз — ҳуқуқий маданият асоси” мавзуидаги китоб кўргазмаси билан танишди.

**(ЎзА)**

## ҚАДДИНИ ТИКЛАЁТГАН КОРХОНА

Очиқ турдаги “Қизилқумцемент” акциядорлик бирлашмасида цемент ишлаб чиқарадиган биринчи технология линияси яна ишлай бошлади. Линия йилига бир миллион тонна цемент ишлаб чиқара олади. Бу линияни Навоий қурилиш бошқармаси ва “Жанубсаноатмонтаж” трести таъмирлади.

Айни вақтда цемент ишлаб чиқарадиган иккинчи линияни ҳам қайта қуришга қарор қилинди. Бу линия Германиянинг “Мюллер” фирмаси технологияси асосида ишлайдиган бўлади. Бу эса республикамиз қурилишлари учун зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга имкон беради.

Корхона режаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш назарда тутилган. Цементчилар хорижий ҳамкорлари билан биргаликда ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқарадиган цех ва гилмояни бойитиш фабрикасини қуришмоқда.

Биринчи технология линиясини ишга туширишга бағишланган тантанада Навоий вилояти ҳокими Ҳ.Ғаффоров қурувчилар ва цементчиларни самимий табриклади.

**Ёрқул УМАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Buztel GSM Buztel GSM Buztel GSM Buztel GSM Buztel GSM

**"Бузтел GSM" — 1997 йилда Ўзбекистонда GSM прогрессив стандарти негизидаги уяли алоқа хизмати кўрсатишга мўлжалланган ўз лойиҳасининг биринчи босқичини муваффақиятли амалга оширган уяли радиотелефон алоқа корхонаси**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ ВА ХАЛҚИНИ**

# РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ

**БИЛАН ТАБРИКЛАШДАН БАХТИЁРДИР.**




*Ўтган ана шу вақт мобайнида Конституция белгилаб берган ҳуқуқий тамойиллар асосида мамлакатда кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларга эришилди. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, демократик қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида биз янги технологик телекоммуникацияларни тадбиқ этиш соҳасида муваффақиятли фаолият юритиш имконига эга бўлмоқдамиз.*

***Ўзбекистон тараққиётини юксалтириш, унинг буюк келажагини яратиш йўлида барча ўзбекистонликларга чин дилдан омад тилаймиз. Хонадонингиздан бахт ва тотувлик аримасин!***



**Buztel GSM**

Buztel GSM Buztel GSM Buztel GSM Buztel GSM

**"Камалак-ТВ-Пейджинг"**

**"КАМАЛАК-ТВ-ПЕЙДЖИНГ"**
**ўзбек-америка қўшма корхонаси жамоаси**

Ўзбекистон халқини катта байрам —

# РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

**билан қизғин табриклайди**

*ҳамда барча юртдошларимизга энг яхши истакларини изҳор этади, уларга мустаҳкам соғлиқ, кўпдан-кўп қувонч, шахсий бахт-саодат ва меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!*

*Конституция қабул қилинганидан бери ўтган беш йил давомида жамиятимиз Асосий қонун белгилаб берган ҳуқуқий тамойиллар билан яшамоқда ва нафас олмоқда. Бу эса эркинлик ҳамда мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, мамлакат қудратини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, демократик ҳамда қонунчиликка асосланган одил фуқаролик жамиятини барпо этишда янги уфқлар очиши шубҳасиздир!*

*"Камалак-ТВ-Пейджинг" қўшма корхонаси.*

**UZMACOM**

**ЎЗМАКОМ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИНИ КОНСТИТУЦИЯ КУНИ БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙДИ ВА АНА ШУ УЛУҒ БАЙРАМ ШАРАФИГА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**МИЖОЗЛАРИМИЗ ҲАЁТИНИ БЕПУЛ СУҒУРТА ҚИЛИШ**



**1997 йил 1 декабридан 31 декабригача бизнинг тармоғимизга уланиш билан сиз БЕПУЛ суғурта полисига эга бўласиз**

**GSM андозасидаги уяли алоқа соҳасининг етакчи компанияси бўлмиш „ЎЗМАКОМ" қўшма корхонаси – маҳаллий сўзлашувлар учун белгиланган 50% фоизли чегирмалар муддатини узайтиради: чиқувчи қўнғироқлар учун – $ 0,15 ва кирувчи қўнғироқлар учун – $ 0,08.**

**ЎЗМАКОМ: БИЗ ҲАМИША МИЖОЗЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАМИЗ.**

Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: (3712) 451255, 452350, 8(2)1000015, 8(2)1000016, 8(2)1000162.

ХАБАР © 224 м

## ДУНЁГА ЭЛТАР ЙЎЛЛАР

**Исломобод шаҳридаги «Лўк-Вирса» номли халқ амалий санъати ва анъаналари музейи ўзининг кўп йиллик тарихига эга бўлган муқаддас қадамжолардан ҳисобланади. Сиз у ерда бўлсангиз абадият нима эканлигини теранроқ англайсиз. Сержило устунларда тикланган, рангбаранг ранглар билан зийнатланган ушбу мозийгоҳни ҳар куни дунёнинг турли чеккаларидан келган минглаб одамлар зиёрат қилишади. Яқинда мазкур музей ўзбек халқ ҳунармандчилиги санъати намуналари билан бойиди. Гап шундаки, Покистон Маданият вазирлиги билан республикамиз Маданият ишлари вазирлиги «Лўк-Вирса» музейида Ўзбекистон галереясини ташкил этиш юзасидан ўзаро келишиб олган эди. Шунга кўра, ўзбекистонлик бир гуруҳ мусаввирлар, наққошлар ва ганчкорлар Покистонда бўлишиб, мазкур бўлимга безак беришди. Биз ушбу галереяни яратишда ўз ҳиссасини қўшган Шарқ миниатюраси усталари, Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Тойир Болтабоев ва Хуршид Назировлар ҳузурида бўлиб, ана шу ҳақда суҳбатлашдик.**

# САНЪАТ-МИЛЛАТНИ ТАНИТАДИ



**— Галлереяга қай йўсинда безак берилди?**

**Тойир Болтабоев:** — Музейда Ўзбекистон галереяси учун анча катта майдон ажратилган эди. Шуниси ҳам аҳамиятлики жаҳонда биринчи бўлиб бизнинг республикамиз у ерда ана шундай бўлим очди. Чунки ўзбек халқининг бой амалий санъатини покистонликлар ҳам жуда яхши билишади ва унга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Галереяни безаш чоғида республика «Усто» бирлашмаси ва рассомчилик санъати билим юрти усталари биргаликда меҳнат қилишди. Ганчкорларимиз галереяда учта йирик ганчли намоён (панно) ишлашди. Маҳмуджон Қосимов, Равшан Ниёзов, Маҳмуджон Абдураҳмонов сингари уста ганчкорларимиз намоёнларни тайёрлаш чоғида бу борада тўпланган бой тажрибалардан унумли фойдаланишиб, замонавий миллий безак ишларини амалга оширишди. Музаффар Болтабоев бошчилигидаги уста наққошлар эса 200 квадрат метр ҳажмдаги майдонга нақшлар чизишди. Биз эса галерея деворларида тўртта йирик-йирик миниатюра акс эттирдик.

**— Уларда нималар тасвирланган?**

**Хуршид Назиров:** — Табиийки, галереяни томоша қиладиган одамлар бу ерда бизнинг маданиятимиз тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишни хоҳлайди. Биз ҳам масаланинг ана шу жиҳатига эътибор бердик. Галереяда ишланган нақш, ганч ва миниатюраларда халқимизнинг бу борадаги қадимий меросидан тортиб, бугунги замонавий санъатимизни ҳам уйғун тарзда тасвирлашга ҳаракат қилдик.

**Тойир Болтабоев:** — Галереяда ишланган миниатюралар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Очиғи унинг лойиҳасини яратаётганимизда бу қадар гўзал чиқишини тасаввур этмагандик. Чунки миниатюра санъати жуда оғир жанр. У икки қутб орасида яралади — сийрат ва сурат. Сийратга етиш эса анча мушкул иш.

**Хуршид Назиров:** — Биз тўртта улкан картинанинг ҳар бирини мазмун-моҳиятига қараб, алоҳида номладик. «Аҳли ҳикмат» деб аталган биринчи тасвирда юртимизда туғилиб, вояга етган буюк аллома ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда бошқа тарихий сиймоларимиз тасвирланган. Улар гўё ажиб мажлис қуриб, оламшумул масалалар хусусида фикрлашаётгандек таассурот уйғотади кишида. «Аҳли санъат» деб номланган иккинчи тасвирда элимиз санъатининг довруғини дунёга машҳур қилган мусиқачилар, ҳофизлар, рақкосалар, мусаввирлар акс эттирилган бўлса, «Устоз ва шогирд» сарлавҳали учинчи суратда илм аҳллари, муаллим ҳамда толиблар сиймолари дарж этилган. Ва ниҳоят, тўртинчи — «Аҳли ҳунар» дея номланган картинада эса бой ва қадимий амалий ҳунармандчилик санъатимизни бор бўй-басти билан акс эттиришга ҳаракат қилдик. Умуман айтганда, ушбу композициялар халқимиз илм-фани, маданияти, маърифат ва ҳунармандчилиги тўғрисида музейга келувчилар учун етарли даражада тасаввур беради, деб ўйлайман.

**— Галерея кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган бўлса кераг-а?**

**Тойир Болтабоев:** — Биз безак ишларини тугаллашимиз арафасида Покистон Ислом Республикаси ташкил топган куннинг 50 йиллиги байрам қилинди. Унга кўплаб хорижий давлат арбоблари таклиф қилинган экан, уларнинг рафиқалари Покистон халқи амалий санъати билан танишиш ниятида «Лўк-Вирса» музейига келишди. Ўзбек наққошлик ва ганчкорлик санъати хонимларни беҳисоя тўлқинлантирди. Бу вақтда биз галереяга ишланган миниатюраларнинг энг сўнгги юмушларини адо этаётган эдик. Меҳмонлар бизнинг ижодий ишимизни кўздан кечиришаркан, ҳайратларини яшира олишмади. Улар Ўзбекистонда қадимий миниатюра санъатининг бугунги кунда бу қадар юксак даражада ривожланганлигига тан беришди. Бундан ташқари, галереяни безаш чоғида ҳар куни одамлар бизнинг иш жараёнимизни қизиқиб томоша қилишарди. Ҳали-ҳали ёдимда. Ўшанда индонезиялик сайёҳ «Аҳли ҳикмат» деб аталган асаримизда тасвирланган Мирзо Бобурни кўриб, «бобонгиз Бобур мангу, ҳамиша сиз билан. У ўзининг иккинчи умрини яшаяпти. Унинг асарлари, айниқса «Бобурномаси», қолаверса, у орзу қилган озод юрт — бугунги авлодлари ҳуррияти. Буларнинг ҳаммаси унинг иккинчи умри» дея эътироф этди.



**— Сизлар музейда ишлаш билан бирга, Исломободда бўлиб ўтган Ислом мамлакатлари ҳунармандлари фестивалида ҳам иштирок этибсизлар?..**

**Хуршид Назиров:** — Тўғри. «Лўк-Вирса» музейидаги Ўзбекистон галереясида юмушлар ниҳоясига етгач, юртга қайтиш тараддудини кўраётганимизда, покистонлик биродарларимиз бизга яқинда бўлиб ўтадиган ана шу фестивалда ҳам ўз ишларимизни намойиш этишимизни илтимос қилиб қолишди. Рози бўлдик. Ҳар уч йилда бир бор ўтказилиб туриладиган ушбу халқаро анжуманда бу гал элликка яқин давлатларнинг уста-ҳунармандлари иштирок этишди. Жуда катта майдонда ташкил қилинган кўргазмаларни ҳар куни ўн минглаб одамлар келиб томоша қилишди. Мақтаниш деб тушунмангу, ўн кун давом этган фестиваль кунларида хорижий меҳмонлар орасида мухлислар билан энг гавжум жой — бизнинг павильон бўлди. Бошқалар бемалол чой ичиб ўтиришибди, бизни эса томошабинлар ўраб олишиб, ҳар бир хатти-ҳаракатимизни қизиқиш билан кузатишди, ўзбек ҳунармандчилик санъати тўғрисида тинимсиз саволлар бердилар. Бундан кўнглимиз ғурур-ифтихорга тўлди. Ҳа, ўзбек халқ амалий санъати хорижда жудаям машҳур, унга бўлган қизиқиш эса беҳисоя кучли экан.

**Тойир Болтабоев:** — Фестиваль ниҳоясида бизни тўлқинлантирган яна бир муҳим воқеа рўй берди. Анжуман ҳакамлар ҳайъати чет мамлакатларидан келган барча уста-ҳунармандларнинг ишларини кузатиб, ўрганиб чиқиб, ўзбек ҳунармандлар санъатига жуда юқори баҳо беришди. Биз ислом мамлакатлари ҳунармандлари санъати фестивалида биринчи ўринни эгаллаб, унинг «Грант фестиваль» бош совринига сазовор бўлдик.

Бундай эътирофни ўзбек амалий санъатига дунё миқёсида яна бир бор тан берилганлигига йўйдик ва бундан бошимиз осмонга етди. Тўғриси, четдан қараган киши кўп нарсаларни яққолроқ илғар экан. Биз бир ойдан зиёдроқ вақт Покистонда бўлганимизда, ўзбек санъати ҳақиқатан ҳам улуғлигига, Ватанни озод кўрмоқ буюк бахт эканлигига яна бир бор иймон келтирдик. Сезаяпсизми, бугун замон ўзгараяпти.- Не бахтки, бу ўзгариш халқимизнинг ўзлигини англаш сари бормоқдаки, ана шундай улуғ имкониятт эшикларини очган истиқлолга такрор-такрор шукроналар айтгинг келади. Аслида ўзга юртда мамлакатимиз галереясининг яратилиши ҳам мустақиллигимиз шарофати бўлди. Қолаверса, Ўзбекистон галереяси ўз гўзаллиги билан юрт мустақиллигининг тарих саҳифаларида қолдирган дастхатига ўхшайди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

### БМТГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

*Фаластин Озодлик ташкилоти раҳбари Ёсир Арофат БМТга мурожаат қилиб, Фаластин мухториятига халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомини беришга чақирди.*

*Ушбу баёнот 1947 йилда БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилинган сана муносабати билан берилди.*

### ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНАДИ

*Гондурасда умумхалқ сайлови бўлиб ўтди. Ушбу улкан тадбир туфайли сайловчилар мамлакат президенти, уч нафар вице-президент ҳамда миллий ассамблеяга депутатлар сайлаб олишлари лозим. Айни пайтда натижалар қандай бўлганлиги ҳисоб-китоб қилинмоқда.*

### ХИТОЙЛИКЛАР СПИДГА ҚАРШИ

*Хитойда СПИДга қарши курашга бағишланган йирик тадбир ўтказилди. Тиббиёт ходимлари ва олимлар Гонгконгдан Пекингача юриш қилиб, халқ ўртасида XX аср балосига қарши кураш юзасидан ташвиқот ишлари олиб бордилар. Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ушбу тадбир муваффақиятли ўтган.*

**Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ТАШКИЛОТ

**Лак-бўёқ маҳсулотларини энг арзон нархларда сотади.**

| | |
|---|---|
| 1. Цинкли оқ бўёқ | 1 кг. 130 сўм. |
| 2. Ёғли кўк бўёқ | 1 кг 125 сўм. |
| 3. Ёғли пол бўёғи | 1 кг 120 сўм. |
| 4. Шифт учун қизил-жигарранг бўёқ | 1 кг 120 сўм. |
| 5. Оқ эмаль | 1 кг 200 сўм. |
| 6. Пол эмали | 1 кг 190 сўм. |
| 7. Кўк эмаль | 1 кг 190 сўм. |
| 8. Олифа | 1 кг 110 сўм. |

***Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.***

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12

TEXACO

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0823, 34.723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Н. Мусомов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.25 1 2 3 4 5 6